Безусловно, за один день невозможно охватить все аспекты деятельности СМИ и издательско-полиграфических компаний. Развернувшиеся в Узэкспоцентре выставки национальной прессы и издательско-полиграфической сферы продлятся три дня. В их рамках запланированы различные семинары, курсы, презентации. В комплексе все они преследуют одну цель – продемонстрировать потенциал этой важной области развития, дать импульс новым идеям и инновациям.

Ильмира
ЗАЙНУТДИНОВА.



издания «Жиззак хакикати» – «Джиззаская правда» Баходыр Назаров. – Я часто бываю в Ташкенте, по роду своей деятельности знаю о многих газетах и журналах. Но, признаюсь, только здесь, на выставке, близко ознакомился с ними и получил огромное удовлетворение. Меня интересовало все – содержание, дизайн, размещение рекламы, объявлений, тематика материалов, рубрики, заголовки... В таком диалоге мы нуждались давно. Уже второй раз организовывается выставка «Пресса Узбекистана», значит, такие мероприятия тоже обретают традиционный характер.

– Я бы подчеркнул еще одну особенность национальной выставки, – включился в беседу заместитель главного редактора газет «Дустлик байроги» – «Знамя дружбы» (Навойская область) Фарход Мирзаев. – Не скроем, перед многими печатными СМИ остро стоит вопрос с увеличением тиража. Знакомая с выступлениями коллег на страницах различных газет и журналов, могу утверждать, что благодаря именно этой выставке суще-

что обладатель первого места получает путевку на участие в международной книжной выставке в Москве.

Такую возможность вновь получит издательско-полиграфический дом «Чулпон», занявший первую позицию в номинации «Детская и юношеская книга». Этот ИПТД также был обладателем призовых мест на международной книжной ярмарке в Ашхабаде, на выставке-ярмарке «Книга – путь к сотрудничеству и прогрессу», проходившем в столице России.

На выставке привлекли внимание и книги издательства «Узбекистон», в частности, 12-томник Национальной энциклопедии Узбекистана, 5-томный толковый словарь узбекского языка, энциклопедия «Тошкент», а также детская энциклопедия. Как отметил директор ИПТД «Узбекистон» Нурислам Тухлиев, издательство

имеет богатую историю, образовано в 1968 году. Ежегодно здесь издается порядка одного миллиона экземпляров книжной продукции.

Широко представлен на выставке и издательско-полиграфический творческий дом имени Гафура Гуляма, специализирующийся на издании общественно-политической, медицинской, искусствоведческой литературы, учебников, а также тетрадей, цветной бумаги, плакатов с изображением известных деятелей литературы и искусства.

Выставочный проект, несомненно, поможет установить взаимовыгодные партнерские отношения, наладить прямые контакты с заказчиками и потребителями, откроет реальные возможности для развития и активизации бизнеса.

Оксана КАДЫШЕВА.

Ярмарка мыслей и идей в красивой «одежде». Пожалуй, так можно было назвать организованный уже в 14-й раз международный проект в НВК «Узэкспоцентр», который включает в себя сразу три выставки – «O'ZBEK in PRINT», «O'ZUPACK» и «O'ZREKLAMA». Более 80 отечественных и 10 зарубежных компаний представили широкой аудитории новейшее оборудование, материалы и технологии по основным разделам полиграфии, издательской деятельности и рекламы, а также производству этикеточной и тароупаковочной продукции.

Организаторами проекта выступила компания «Полиграфия АиК» при официальной поддержке Узбекского агентства по печати и информации и ряда других организаций.

Гостей выставки – а это около полутора тысячи представителей деловых и предпринимательских кругов Узбекистана, Казахстана, Таджикистана, Туркмении, Кыргызстана, других стран, не оставили равнодушными креативно оформленные, привлекающие дизайном стенды различных ком-

паний и издательских домов. Стоит отметить, издательская деятельность занимает в проекте значимое место и представлена специальным разделом «Книжный салон».

Еще одним важным событием стало подведение итогов республиканского конкурса «Лучшая книга года», организованного уже в четвертый раз Узбекским агентством по печати и информации совместно с издательством «Artflex». В этом году на конкурс представлено 155 книг 22 издательств республики.

Гран-при присвоено народному эпосу «Алпомиш», изданному под редакцией Н.Джумаевой. Победители определены также в номинациях «Общественно-политическая книга», «Узбекская и мировая классика», «Арт-книга», «Детская и юношеская книга». Кроме того, 16 участников отмечены поощрительными призами. Стоит отметить, что в этом году впервые одно из призовых мест завоевало региональное издательство «Фаргона». Это значит, что и областные издательства выходят на уровень мировых стандартов, совершенствуя свою деятельность. Как отметили организаторы, цель конкурса направлена в целом на повышение качества книжной продукции, кроме того, подобная состязательность позволяет обмениваться опытом с коллегами, способствует профессиональному росту. Главное и то,

Долзарб мавзу

ҲАЁТ КУШАНДАСИ: ИЧКИЛИКБОЗЛИК

Барчамизга маълумки, дунё миқёсида глобал муаммолардан гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ҳамда тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилиниши ёшлар орасида учраётганлиги албатта, ачинарли ҳолдир. Ана шундай жирканч иллатларнинг олдини олишда нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, ота-оналарнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. Афсуски, кейинги пайтларда кўплаб ота-оналар фарзандларининг таълим-тарбияси, шунингдек, нималар билан машғул эканлигига етарли даражада эътибор қаратмаяптилар. Юқорида айтиб ўтилган мазкур иллатлар фарзандларимиз соғлиги учун зарарли эканлигини унутмаслигимиз керак. Шундай экан, бугунги мавзумиз инсон саломатлигига ўта таъсир қиладиган, ҳатто, ўлим ҳолатига олиб келадиган ичкиликбозликка бағишланади. Мазкур долзарб мавзу бўйича Республика наркологиya маркази бўлим бошлиғи Жўрабек Тоиров қуйдагиларни гапириб ўтди:

– Ичкиликбозлик тез-тез ва кўп миқдорда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш туфайли пайдо бўладиган, унга ружу қўйиш билан кечадиган сурункали хасталик ҳисобланади. Бу ҳолат “бош оғриққа” эҳтиёж, шахснинг ўзига хос ўзгариши, соматик ва ижтимоий оқибатлар билан ўтади. Ичкиликбозликка олиб келувчи омил бу алкоғолдир. Лекин касаллик пайдо бўлиши учун фақат алкоғолнинг ўзи етарли бўлмай, ичкиликбозлик ривожланишида ижтимоий, психологик ва биологик омиллар қатнашади. Шахс маълумоти, оилавий аҳволи, моддий таъминоти, жамиятдаги ўрни, давлатнинг ичкиликбозликка муносабати ва бошқалар ижтимоий омиллар гуруҳига киритилади. Унинг ривожланишида психологик омиллар кишида алкоғол берадиган хуш кайфият, кувноқлик, энгил тортиш, “ҳаётдаги қийинчиликлардан қочиш” каби ҳолатлар билан кечади. Биологик омиллар деганда ирсий мойиллик, модда алмашинуви бузилишлари, хусусан, В ва С витаминлар баланси, қонда хлор ва натрийнинг ўзаро нисбати ҳамда адреналин билан адренохром ўртасида мувозанат бузилиши тушунилади. Мастлик (алкоғол билан ўткир захарланиш) – спиртли ичимликларнинг психотроп таъсири

туфайли вужудга келган руҳий, вегетатив ва неврологик бузилишлар мажмуидир.

Сурункали ичкиликбозлик соматик касалликларни келтириб чиқариши натижасида, ўлимга ҳам сабаб бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ичкиликбозлик натижасида вужудга келган касалликларнинг ўлим кўрсаткичи бўйича юрак қон-томир ва ўсма касалликларидан кейинги ўринда туради. АҚШнинг статистик кўрсаткичлари бўйича сурункали ичувчиларнинг спиртли ичимлик ичмайдиганларга нисбатан ўртача ўлим кўрсаткичлари икки баробарга юқори ва инсон умрини 17-18 йилга қисқартирар экан. Ичкиликбозликнинг миллат генотипига таъсири юқори, чунки туғиладиган чақалоқлар руҳий ва жисмоний заиф бўлиб дунёга келадилар. Шунингдек, унинг натижасида инсон соғлигидан айрилади, иш фаолияти пасаяди. Оиладаги ўзаро келишмовчиликлар юзага келиб, шахснинг инсоний фазилатлари йўқолади, меҳнат қилмай, боқимандаликка ўтади. Қолаверса, доимий спиртли ичимликни суиистеъмол қилиш оила ва жамиятга катта зарар етказиши мумкин. Албатта, бу йўлга кирганларни даволаш ва реабилитация қилиш кўплаб маблағ талаб этади. Текширувлар шуни кўрсатадики, алкоғол истеъмоли қанчалик юқори дара-

жада бўлса, муаммолар ҳам кўпайиб боради. Олиб борилган текширувлардан шу нарса маълумки, ўртача ер юзидаги 15-16 нафар спиртли ичимлик ичувчилардан биригина ичкиликбозлик касалига чалинар экан. Шундан маълум бўладики, биринчи ўринда ичкиликбозлик касаллигига кўп миқдорда тез-тез кучли спиртли ичимлик ичувчилар чалинадилар. Бу тоифага асаб системаси бўш инсонлар кирадилар. Узок ва кўп миқдорда алкоғолни истеъмол қилиш мия иш фаолиятини пасайтиради. Марказий асаб системасида салбий ўзгаришлар келтириб чиқаради, буларга фикрлаш, хотира, сезги ва бошқалар, яъни биринчи ўринда марказий асаб системасининг юқори бўлими захарланади. Бунда эса ташқаридан келадиган руҳий таъсирларга чидамсиз ва турли шароит ўзгаришларига мослашишлар қийинроқ бўлади. Шунингдек, ички органлардан ошқозон-ичак системаси зарарланиб, ошқозонда хазм қилиш функцияси бузилиб, унинг шиллиқ қаватини яллиғлайди. Беморларда сурункали гастрит кейинчалик ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касалини келтириб чиқаради. Спиртга асосан, жигар жуда сезгир бўлиб, ундаги модда алмашинувида фаол ишловчи ҳужайралар атрофияга учраб, унинг ўрнини бириктирувчи ва ёғ тўқималари эгаллайди, алкоғол таъсирини нейтралловчи кучи пасайиб, у яллиғланиб, жигар циррози вужудга келади.

Текширувлардан шу нарса маълум бўлдики, жигар циррозидан 2050 та ўлим ҳолатидан 81 фоизини алкоғолни суиистеъмол қилувчилар ташкил этган. Юрак қон-томир системасида ҳам ўзгаришлар кечади. Юрак-мушак толаларида алкоғол таъсирини ёғ тўқималари вужудга келиб, мушаклар бўшашиб, ўз иш фаолиятини бажара олмай қолади. Бу эса вақтидан аввал атеросклероз ва хафақон касаллигига олиб келади. Кейинги

пайтларда ёшларимиз ўртасида ичкиликбозлик ва кашандаликка ружу қўйилаётганлиги албатта, ачинарли ҳолдир.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг «Алкоғол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилиниши чеклаш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши айна муддао бўлди десак, янглишмаймиз. Мазкур қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 27 июнда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланди. Ушбу Қонуннинг мақсади алкоғол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашнинг тартибга солишдан иборатдир. Ушбу Қонун фуқаролар, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини алкоғол ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилгандир.

Спиртли ичимлик рекламасининг кучлилиги, этикеткалари ёрқинлиги билан ҳам ўзига тортиди, оилада ёшларимиз назоратсиз ва эътиборсиз қолишлари, ота-оналарнинг болалари олдида спиртли ичимликларни истеъмол қилишлари ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Спиртли ичимликка ружу қўйил-

гандан кейин ёшларда ёмон одатлар вужудга кела бошлади. Ёшларда катта ёшдагиларга нисбатан организмнинг алкоғолга чидамлилиги анча паст бўлади. Вақт ўтган сари спиртли ичимликка чидамлик ошиб бориб, даҳшатли ҳолат ичкиликбозликнинг белгилари намоён бўла боради. Алкоғол захри ёшларнинг марказий асаб системаси кучсизлиги туфайли спиртли ичимликка тобелик ва ички органларнинг ишдан чиқишига олиб келади. Спиртли ичимлик ичиш натижасида: гепатит, панкреатит, эндокрин касалликлар, юрак ва нафас фаолиятлари бузилиши, қон босими ўзгариб туриши, юқумли касалликларга чидамлилигининг пасайиши ва руҳият ҳамда марказий асаб системасида салбий ўзгаришлар кечади.

Юқоридаги фикрларга хулоса қиладиган бўлсак, ичкиликбозликнинг келажак зурриётларимизга таъсири ниҳоятда катта эканлигига амин бўлдик. Шундай экан, ҳар биримиз фарзандларимизни бундай жирканч, зарарли оқибатлар исканжасидан сақлашимиз ва таълим-тарбия ҳамда доимий назорат қилиб боришимиз муҳим деб биламан. Биз ана шундагина кўзлаган мақсадларимизга, айниқса, жамиятимиз тараққийотининг юксалишида, турмушимиз фаровонлигида ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Биз ушбу мавзу бўйича тажрибали мутахассис Жўрабек Тоировнинг фикрларидан хулоса қилар эканмиз, «оқ арақнинг қора қилмишлари» бўйича маълум бир маълумотларга эга бўлдик. Газетамизнинг кейинги сонларида ичкиликбозликка ружу қўйиб, ўз ҳаётини захарлаб, мудҳиш ҳолатларга юз тутатган айрим кимсалар тўғрисида ҳаётини материаллар бериб боришни лозим деб топдик.

**Сухбатдош
Ибодат СОАТОВА.**

(Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмаги остида тайёрланди).

УМРИНГИЗГА ЗАВОЛ БЎЛМАНГ...

Инсон табияти жуда мураккаб ва қарама-қаршиликлардан иборат бўлиб, у ўзининг ноўрин хатти-ҳаракатлари билан шахсий ҳаётига ҳам нуқта қўйиши мумкин. Оқибати ана шундай аянчли бўлган иллатлардан бири бу – тамаки чекишдир. Албатта, ҳар бир одам жисмонан ва руҳан соғлом ҳолда, хотиржам ҳамда фаровон ҳаёт кечирши тарафдори. Шундай экан, одам ўзининг руҳиятини пок сақлаши билан бирга жисмини турли иллатлардан асраши лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек масъулиятли вазифа турибди. Ҳозирги кунда ёшларимиз билим олиши, тажриба орттиришлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жамият тараққийотига ўз ҳиссасини қўша оладиган етук мутахассис, комил инсон бўлиш учун ёшлардан қунт, сабр-қаноат билан аниқ белгилаб олинган олижаноб мақсадлар сари интилиш талаб этилади. Дарҳақиқат, тезкор замон, инсон онги учун кураш асри ёшларимиздан тафаккур

доираси кенг, мустақил фикрга эга, ташаббускор, зукко ва билимдон бўлишни тақозо этади.

Юксак маънавиятли ва маданиятли одамлар, аввало ўз саломатлигига масъулият билан ёндашади, уни асраш ҳамда мустаҳкамлаш қоидаларини билади, самарали, сермазмун ҳаёт кечирши ҳаракатида бўлади. Бироқ, инсоннинг хулқ-атвори билан боғлиқ шаклландиган баъзи турмуш тарзи касалликлари қаторига кирувчи тамаки чекиш иллати ана шундай мукамаллик бузилишига олиб келади. Ҳозирги даврда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, сига-

рет чекишга ўрганиб қолиш глобал тус олмақда. Бутун дунёда тамаки чекувчилар сони 1,6 миллиардга етади, уларнинг 84 фоизи ривожланаётган мамлакатлар аҳолисига тўғри келади. Тамаки чекиш оқибатида юз берадиган ногиронлик, турли касалликлар ва ўлим мамлакат тараққийотига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ҳар олти сонияда бир одам айнан тамаки чекиш туфайли оламдан кўз юмади. Тамаки чекиш ер юзида аҳоли ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, ҳар йили дунёда 5 миллион аҳоли тамаки чекиш туфайли ривожланадиган касалликлардан эрта ҳаётдан кетади. Агар тамаки чекишнинг тарқалиши шу тарзда ўсиб борса, экспертларнинг баҳолашича 2030 йилга бориб ушбу кўрсаткич ўн миллионга етади.

Таъкидлаш муҳимки, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш авж олиб бораётган бир пайтда

сигаретларнинг хушбўй маркировка қилиниб, қутиларининг жозибадор безатилиши аҳоли орасида ушбу хавфли иллат янада кенг тарқалишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, “Тамаки одамни ўлдиради” деган шиорларни ривожланган мамлакатларда тез-тез учратиш мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамаки чекишга қарши кураш бўйича рамкали Конвенциясига 180 дан ортиқ мамлакат аъзо бўлган. Мазкур ҳужжат БМТнинг энг нуфузли йўналишларидан бири бўлиб, унга аъзо мамлакатларга тамаки маҳсулотларининг ноқонуний савдоси ва рекламасини чеклаш, чекишдан холи худудларни яратиш, чекишни ташлаш ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиб келинади.

Тамаки чекишнинг тарқалиб бориши пассив чекиш авж олишига олиб келади ва бу жамият учун жуда хавфли ҳисобла-

нади. Пассив чекувчилар (ҳомилдор аёл, гўдак, бола, ўсмир, ёшлар) энг кўп азият чекадиган гуруҳ ҳисобланади. Улар тамаки тутунининг барча зарарли моддаларини нафас орқали ютади, ваҳоланки, тутун таркибида 4000 дан ортиқ заррача ёки газсимон кимёвий бирикмалар мавжуд бўлиб, улар токсик ва канцероген хусусиятга эга. Тамаки тутун заррачалари смола, никотин ва бензопирендан иборат бўлиб, унинг ўзи 60 дан ортиқ канцероген моддаларни туттади. Одам чекканда никотиннинг бош мияга таъсири туфайли унга қарам бўлиб қолади, бироқ смоланинг таъсири оқибатида эрта ҳаётдан кўз юмади, чунки смола нафас йўллари, альвеоаларда чўқади ва хавфли ўсмалар ривожланишига олиб келади. Углерод

(Давоми 7-бетда).

УМРИНГИЗГА ЗАВОЛ БЎЛМАНГ...

(Давоми. Боши 6-бетда).

оксиди 200 марта кўпроқ гемоглобин билан боғланиши натижасида организмда кислоталарнинг кўпайиши ва ички аъзолар фаолиятида ўзгаришлар кузатилади. Цианид водород ва қатор радиоактив моддалар бронх шиллик қаватидаги кипричаларни ўлдириб, унинг тозаловчи секретор фаолиятини издан чиқариши оқибатида токсик моддалар ўпкада тўпланиб боради ва хавфли сурункали касалликларга олиб келади. Никотин тамаки тутун таркибидаги энг кучли алколоид бўлиб, ёфсимон, рангсиз суюқлик, бироқ ҳавода кўнғир тусга киради ва ўювчи ўткир таъмга эга. У дастлаб марказий ва периферик асаб тизимига таъсир этиб, қонга сўрилган ҳолда ички аъзоларга ҳам тарқала-

ди, организмда никотинга сезувчи рецепторларни эгаллаб олади, кичик миқдорларда кўзгатувчи, юқори миқдорларда тормозловчи сифатида таъсир кўрсатади. Бир дона сигарет таркибида 12-15 мг никотин мавжуд бўлиб, унинг деярли 50 фоизи тутун орқали атроф-муҳитга тарқалади. Тамаки чекиш туфайли юрак қон-томир, нафас аъзолари, ошқозон-ичак тизими касалликлари ва хавфли ўсмаларнинг ривожланиш хавфи ортади. Шу билан бирга, асаб рухий ҳолатини таранглаштириб, кўриш ва эшитиш қобилиятини сусайтиради. Тиш эмалини емиради ва организм эрта қариши ҳамда ўлимга олиб келади. Ашаддий кашандалар 13 марта кўп миокард инфаркти ва 12 марта кўп юрак ишемик касалликларига дучор бўлади. Аксарият ҳолларда уларда буйрак

етишмовчилиги хасталиклари ривожланади. Кўпчилик инсонлар тамаки чекишнинг зарарли оқибатларини билмаганлиги туфайли чекишга ружу қўяди. Кашандаларнинг хулқатвори атрофдагиларга ўз салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бир кунда 11 дондан кўп сигарет чекадиганлар ашаддий кашандалар сирасига киради. Чекиш иллоти иш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади, жамият тараққиёти ва иқтисодига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши табиий. Тамаки чекишнинг аянчли оқибатларини олдини олиш ҳамда унга бўлган эҳтиёж ва зарарни камайтириш мақсадида 2011 йил 5 октябрда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бундан асосий мақ-

сад алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Қонун фуқаролар, аввало йигирма ёшга тўлмаган шахслар соғлигини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилгандир. 8-моддада Соғлиқни сақлаш вазирлиги алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини, аввало соғлом турмуш тарзи тарғиботини назарда тутган ҳолда амалга оширишда иштирок этади, деб

белгилаб қўйилган. Қонун кучга киргандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимида муайян ишлар амалга оширилиб, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот олиб борилмоқда.

Шундай экан, мамлакатимиз тараққиёти ва баркамол авлоднинг порлоқ келажаги йўлидаги ислохотлар ҳар биримиздан сергаклик, огоҳлик, катта масъулият талаб этади.

Нодира МАМАТОВА,
Тошкент врачлар
малакасини ошириш
институтини Валеология
кафедраси
доценти, тиббиёт
фанлари номзоди.

(Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонднинг молиявий кўмаги остида тайёрланди).

Тадқиқот ва таҳлил

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ – УСТУВОР

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш – Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган муҳим вазифалардандир. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистоннинг барча ҳудудида мамлакатимиз аҳолисининг мазкур муҳим соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларга бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида ижтимоий тадқиқот ўтказди.

Мазкур ва олдинги сўровларнинг қиёсий натижалари суд-ҳуқуқ ислохотларининг йўналишлари ва уларни амалга оширишнинг бориши тўғрисида жамиятимизда аҳолининг хабардорлик даражаси ошганидан далолат беради. Масалан, 2002 йилда фуқароларимизнинг 70 фоизга яқини ушбу ўзгаришлардан хабардор бўлган бўлса, 2012 йилги сўров маълумотларига кўра, бу кўрсаткич қарийб 90 фоизни ташкил этмоқда. Бундай ижобий ўсиш суръатлари мамлакатимизнинг барча ҳудуди ва аҳоли қатламлари орасида кузатилмоқда.

Кўпчилик фуқаролар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзда тутилган мақсадларни, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир ва-

зифаларни бажариш билан боғламоқда. Уларнинг фикрича, мустақилликка эришилгач, давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглик принципи мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосини ташкил этади.

Сўров давомида олинган маълумотлар Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самарали рўёбга чиқарилаётганидан яққол далолат беради. Ижтимоий тадқиқот иштирокчиларининг аксарияти улар ижобий натижалар бераётганини қайд этган. Ушбу самаралар қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатлари, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва қонунга итоаткорлик даражасининг ошгани, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, кундалик ҳаётимизда хавфсизликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаёти-

нинг кўплаб бошқа жабҳаларида яққол намоён бўлмоқда. Деярли барча фуқаролар (95,4 фоиз) давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, "Хабеас корпус" институтини жорий этиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги қарорини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий демократик жамиятда яшаётган ҳар бир одам муайян ҳуқуқий билим ва фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши лозимлигини тобора чуқур англамоқда. Ижтимоий мониторинг мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва мустақил билим олишга бўлган интилиш кучайиб бораётганини кўрсатди. Сўров иштирокчилари, биринчи навбатда, яқинда мамлакатимизда 20 йиллиги кенг нишонланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш зарур, деб ҳисоблайди. Уларнинг 90 фоизи "Конституция – мамлакатимизнинг Асосий Қонуни" ва "ҳар бир фуқаро уни билиши шарт", деган фикрда.

Сўров қатнашчиларининг фикрича, ислохотлар жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари ва давлат ташкилотлари фаолиятининг мунтазам такомиллаштирилиши фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини турли таҳдидлардан ҳимоялаш кафо-

латининг кучайишига хизмат қилади. Иштирокчиларнинг 94,4 фоизи фуқаролик ҳуқуқларининг бузилиши ва камситилиши мумкинлигидан ҳуқуқий жиҳатдан пухта ҳимоя қилинганига ишонади. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолиси таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам олиш, меҳнати, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари таъминланаётганини ҳам юқори баҳолайди.

Тадқиқот давомида суд-ҳуқуқ ислохотларининг амалга оширилиши натижасида фуқаролар ҳуқуқлари бузилган ёки камситилган ҳолларда, уларни ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш тўғрисида турли даражадаги идораларга мурожаатлари адолатли ҳал этилишига қатъий ишончи аниқланди. Сўров иштирокчиларининг учдан икки қисмидан кўпроғи шундай фикр билдирди. Фуқароларимизнинг бундай масалалар бўйича нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки Омбудсман институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа нодавлат ташкилотларга мурожаат қилаётгани диққатга сазовордир. Бу мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланаётгани, унинг институтлари роли кучайиб бораётганидан далолатдир.

Фуқароларимиз жиноятчиликка қарши кураш суд-ҳуқуқ ис-

лохотларининг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Аксарият сўров қатнашчилари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу борада амалга ошираётган чора-тадбирлар юқори самара бераётганини қайд этди. Ижтимоий тадқиқот уларнинг бу йўналишдаги фаолияти ижобий баҳоланаётганини кўрсатди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз аҳолиси одам савдоси, порахўрлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳам юқори баҳоламоқда.

Ўтказилган тадқиқот фуқароларнинг Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан давлат ва жамоатчиликнинг доимий назорати остида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганига ишончи комил эканини кўрсатди. Сўровда Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги мамлакатимизда барча жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли демократик туб ўзгаришларнинг ажралмас қисми бўлган мазкур ижобий жараёни янада чуқурлаштиришни қўллаб-қувватлашга намоён бўлди.

"Ижтимоий фикр"
маркази материаллари
асосида ЎЗА муҳбири
А. ИВАНОВА тайёрлади.

Наманган вилояти тиббий диагностика марказида кардиология, нейрохирургия ва ортопедияни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган эътибор ва яратилаётган кенг имкониятлар туфайли мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги тобора ортмоқда. Соҳадаги ривожланиш ва янгиланишлар Наманган вилояти соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Анжуман

АМАЛИЁТДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Тадбир иштирокчилари Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали, вилоятдаги кардиология ва ортопедия марказлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Инвестиция дастури асосида тубдан реконструкция қилинган вилоят кардиология марказида яратилган жаҳон андоzalарига мос шарт-шароитлар, марказ-

даги юқори аниқликда ташхис қўйиш, муолажа қилиш, мураккаб жарроҳлик операцияларини ўтказиш имкониятлари анжуман қатнашчилари томонидан юқори баҳоланди.

Илмий-амалий анжуманда вилоятда тиббиётнинг кардиология, нейрохирургия ва ортопедия йўналишларини янада ривожлантириш, хусусан, хорижий ин-

вестицияларни жалб этиш орқали унинг моддий-техник имкониятларини мустақамлаш масалалари муҳокама этилди.

– Ўзбекистон аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда юксак натижаларга эришаётган давлатлардан биридир, – дейди анжуманда иштирок этган Ҳиндистоннинг "Артемис хелс" институти шифокори Санжай Саруп. – Шунинг учун тиббиёт соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз. Бугунги анжуман амалий ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

А. САТТОРОВ,
ЎЗА.

Истеъдод

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАЁТГАН МАЛИКА

Юртбошимизнинг фарзандларимиз таълим-тарбия олишлари учун яратиб бераётган шароитлари уларнинг билимли, зукко, интилувчан ва изланувчан бўлишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, ушбу имкониятлардан кенг фойдаланаётган II Республика тиббиёт коллежининг фармация йўналиши бўйича 2-босқич талабаси Малика Ҳамроева фанлардан аъло баҳоларда ўқиш билан бир қаторда, устозлари Н. Мусаева ҳамда Ф. Алимовалар раҳбарлигида «Қовоқнинг фойдали хусусиятлари» бўйича изланишлар олиб бормоқда. Шунингдек, истеъдод соҳибаси 2010 йилда Яккасарой туман «Камолот» ёшлар ижти-

мой ҳаракатида фаолият юритиб, «Сардор – 2010», 2011 йилда «Йилнинг энг фаол сардори», «Йилнинг энг яхши мураббийси», «Энг яхши деворий газета» номинациялари ғолиби бўлди. 2011 йили ўтказилган олимпиадада рус тили фани бўйича туманда 1-ўринни эгаллади. Малика билим олиш билан бир қаторда, шеърятни ҳам жон дилдан севиб ижод қилиб келмоқда. Бундан ташқари, бўш вақтларида дутор чалиш билан шугулланиб келади.

Қуйида ёш иқтидор эгаси Малика Ҳамроеванинг айна кунда олиб бораётган илмий фаолияти ва шеърларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.

шу билан бирга, подагра, атеросклероз, саратон, буйрак ва жигар, тери, ошқозон-ичак касалликларини даволашда ҳам қўлланилади. Ошқовоқ таркибидаги кўп миқдордаги целлюлоза, сув ва бириктирувчи тўқималар вазни меъёрий ҳолатга келтиради. У оқат ҳазм бўлиш жараёнларини тезлаштиради, организмни токсинлардан тозалайди, моддалар алмашинувида иштирок этадиган ортикча маҳсулотларни йўқотади. Шунингдек, қовоқ жигар ва ўт пуфаги фаолиятини яхшилайди, ичаклар микрофлораси ва перистальтикасини меъёрлаштиради ҳамда уларни тозалаш вазифасини ўтайди.



ради, тери ҳолатини яхшилайди.

Тана вазнини камайтиради, очлик ҳиссини уйғотади.

Қовоқли парҳез буйрак ва Боткин касалликларида тавсия қилинади.

Қовоқнинг пўстлоғидан тозаланган уруғи бутун ёки кукун ҳолида, уруғдан тайёрланган қайнатма эса, кундалик истеъмол учун буюрилади.

ЯХШИ НИЯТ

Бир чимдим нур билан йўлингиз ёруғ,
Бир даста гул билан дилингиз ёруғ,
Дугога очилган қўлингиз ёруғ,
Яхши ниятлардан яйраб яшангиз.

Куюш чикса осмон чарақлаб кетар,
Ой чикса уйларга нур тўлиб кетар,
Булбул айтмагани гул айтиб кетар,
Яхши ниятлардан яйраб яшангиз.

Гинанинг зарраси гумонга илдиз,
Кувлик табассуми ёлгонга илдиз,

Дўстим бўлмасанг бас ёмонга илдиз,
Яхши ниятлардан яйраб яшангиз.

Хаёнинг ҳикмати чиройга ҳиммат,
Тўқнинг савлатидан очга не ҳиммат?
Сизга кенг феъл берсин, ҳам кетмас давлат,
Яхши ниятлардан яйраб яшангиз.

Очилган ҳар гулнинг парвонаси кўп,
Бу ёлгон дунёнинг афсонаси кўп,
Маликадек шоира қизнинг орзулари кўп,
Яхши ниятлардан яйраб яшангиз.

ҚОВОҚНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ошқовоқда тана аъзолари учун зарур пектин моддалари мавжуд бўлиб, халқ табобатида гижжаларни туширувчи

дори сифатида фойдаланилади. Унда маъданли моддалар – калий, кальций, фосфор, магний, витаминлардан А, В₁, В₂, РР, С

дармондорилари бор. Қовоқ уруғи ва мойида оқсил моддалари кўп бўлганлиги сабабли у кексалар соғлиғи учун хавфсиз,

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
қуйидаги тиббиёт коллежларининг
директор ўринбосари (вакант)
лавозимларига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тиббиёт коллежларида вакант бўлган директор ўринбосарлари лавозимлари ҳақида маълумот (14.10.2012 й.)				
№	Коллеж номи	ММИБДУ	УИБДУ	ИЧАБДУ
1.	Хўжаобод	ММИБДУ		
2.	Муборак		УИБДУ	
3.	Марғилон		УИБДУ	
4.	2-Марғилон		УИБДУ	
5.	Бешариқ		УИБДУ	
6.	2-Республика		УИБДУ	
7.	Зомин		УИБДУ	ИЧАБДУ
8.	Дўстлик		УИБДУ	ИЧАБДУ
9.	Пахтачи		УИБДУ	
10.	Постдарғом	ММИБДУ		
11.	Ургут	ММИБДУ		
12.	Поп		УИБДУ	ИЧАБДУ
13.	Чуст			ИЧАБДУ
14.	Косонсой			ИЧАБДУ
15.	Гулистон		УИБДУ	
16.	Сирдарё		УИБДУ	
17.	Сариёсё		УИБДУ	
18.	Чирчиқ	ММИБДУ	УИБДУ	
19.	Зангиота	ММИБДУ		
20.	Шайхонтоҳур		УИБДУ	

Изоҳ: * ММИБДУ – маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари;

** УИБДУ – ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари;

*** ИЧАБДУ – ишлаб чиқариш амалиёти бўйича директор ўринбосари лавозимлари.

Танловда қатнашишга хоҳиш билдирган шахслар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кадрлар билан ишлаш бошқармасига танлов эълон этилгандан сўнг бир ой муддат давомида қуйидаги ҳужжатларни топширишлари мумкин:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигига ариза;
2. Маълумотнома;
3. Сўровнома;
4. Таржимаи ҳол;
5. Паспорт нусхаси;
6. Маълумоти ва малакаси бўйича ҳужжатларнинг нусхаси;
7. Малака ошириш бўйича ҳужжатларнинг нусхаси (гувоҳнома, сертификат, лицензиялар ва ҳоказо);
8. Меҳнат дафтарчасидан нусха;
9. Фото 3x4 см – 4 дона;
10. Директор ўринбосари лавозимини амалга ошириш учун ихтиёрий равишда ёзилган концепция (режа).

Соғлиқни сақлаш вазирлиги манзили:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 12-уй.
Мурожаат учун телефонлар:
244-12-02, 241-54-54.

Обуна – 2012



Ҳурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 йил учун обуна мавсуми бошланди.

Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар!
Республика тиббиёт тизимида амалга ошириляётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгилеклардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

ЭЪЛОН

Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент Давлат тиббиёт институти)нинг Санитария-гигиена факультетини 1972 йил битирганларнинг учрашуви 2012 йил 17-18 ноябрь кунлари соат 13.00 да Республика давлат санитария-эпидемиология назорат марказида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 214-43-58, (+99871) 214-53-05 Нурмамат Амонов, (+99893) 171-05-15 Самат Раҳимов, (+99893) 556-59-61 Н. Отабоев.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6329 нусха.
Буюртма Г-1045.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

